

Энг маърифатли имомлар сарланди



16:28 / 29.10.2018 3002

Юртимизнинг барча ҳудудларидаги каби бугун Тошкент вилоятида ҳам «Энг маърифатли имом» кўрик-танловнинг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Танлов, анъанага кўра, Қуръони карим тиловати билан бошланди.

– Бугунги танлов ҳар қачонгидан ҳам кўтаринки руҳда, уюшқоқлик билан ўтказилди, – дейди Тошкент вилояти бош имом-хатиби Хайрулла Турматов.
– Вилоятимизнинг шаҳар ва туманларида фаолият юритаётган имом-хатиблар ва имом ноиблари ўзларининг илмий салоҳияти, касбий маҳорати, ташаббускорлиги, замонавий ахборот технологияларидан фойдалана олиш қобилиятини бугунги тадбирда яққол намоён этишди.

Танлов иштирокчиларининг чиқишлари ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳолаб борилди.

Табиийки, танловда кимдир ғалаба сурурини туйса, яна кимдир соғлом рақобат муҳитидан фойдаланиб, кейинги тадбирлар учун замин ҳозирлайди.

Ҳакамлар ҳайъати аъзоларининг яқдил хулосасига кўра, энг маърифатлилар аниқланди.

“Энг маърифатли имом” танловининг Тошкент вилоят босқичи ғолиблари:

I-ўрин: Обид Мирҳамидов (“Саъдуллоҳ ота” жоме масжиди имом-хатиби).

II-ўрин: Абдулбосит Нусратуллаев.

III-ўрин: Ашурмат Абдукаримов.

Шунингдек, танловда турли номинациялар бўйича ҳам ғолиблар аниқланди.

***Islom.uz* портали таҳририяти**